



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 17 июл, чоршанба № 114 (1331)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КУТУБХОНА ВА МАРКЕТИНГ

Пойтахтимиздаги «Турон» кутубхонасида шу соҳа бўйича халқаро лойиҳаларда иштирок этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг очилди. XXI аср - ахборот технологиялари асрида барча соҳаларда бўлгани каби кутубхоначилик ишида ҳам янгича ёндашув, замонавий иш услубларини қўллаш талаб этилаётди. Уч кун давом этадиган мазкур ўқув-семинарда иштирокчилар маърифат масканлари ишида янгича услубларни қўллаш, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ушбу тизимни янада такомиллаштиришга эътибор қаратилади. Бу борада, айниқса, халқаро ташкилотларнинг грантларида иштирок этиш ва шу орқали кутубхоналарнинг моддий-техник базаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди.

Бир Фармон шарофати

Ўзбекистон Президентининг ҳаётбахш Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шимоллий минтақада ҳам тадбиркорликни юксалтиришнинг кенг имкониятларини яратди. 1998 йилда Хазораспда «Хоразм шакар» корхонаси ишга туширилди. Республика ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Туркиянинг «Турк шакар», «Юксалт иншоот» корхоналари ўртасида тузилган шартнома асосида бунёд этилган ушбу кўшма корхонанинг лойиҳа қиймати 83 миллион 250 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Ишбилармон Эркин Юсупов «Энг яхши тадбиркор», мисгар Хабибулло Худойберганов ва бошқалар «Энг яхши хунарманд» деган шарофли номни қўлга киритишди. Тадбиркор бойиса кўпга нафи тегади. Эл-юрт дастурхонини

ХОРАЗМ ХУНАРМАНДЛАРИ

Корхонанинг қурилиши нафақат иқтисодий, балки катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Сабаби, далаларда қанд лавлагини етиштиришни кўпайтириш, энг керакли маҳсулот бўлмиш шакар ишлаб чиқаришни изчил йўлга қўйиш билан бирга мавсумда қарийб 2000 фуқарони иш билан таъминлаш имконияти яратилди. Туманда кичик ва ўрта бизнес ривожланиб бораёпти. Ишбилармонларга қўлайлик яратиш мақсадида мавжуд бозорлар қайта таъмирланиб, янги савдо расталари вужудга келтирилди. Марказда минг савдо ўринли ажойиб бозор фойдаланишга топширилди.

олти ойида улар сафи 257 нафарга кўпайди. Хазорасплик ишбилармонлар бозорларни кундалик истеъмол моллари билан тўлдирди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, энг керакли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хизмат турларини кўпайтириш билан машғул бўлмоқдалар. Хар бир ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти тадбиркорлик қай даражада ривожланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Буни яхши англаган мутасаддилар омилкор киларини қўллаб-қувватлаб, фаолиятларини кенгайтириш пайида бўлишаёпти. Кичик; ўрта бизнес субъектлари, фермерлар 560 миллион сўмлик кредит олдилар.

тўкин-сочин этаётганлар орасида ўзим, оила-аъзоларим ҳам борлигидан фахрланаман. Харна қилса ўзимизникида, бола-чақамиз билан вақт билан ҳисоблашмай ишлаймиз. Хар сўмдан унумли фойдаланамиз, тежамкорликка алоҳида эътибор берамиз. Ҳақиқий тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобида савдо, маийш хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини бунёд этиб, кенгайтириб боришаёпти. Х.Эгамбердиев раҳбарлик қилаётган «Халил» савдо ишлаб чиқариш фирмаси хар йили аҳолига 30 миллион сўмлик нон ҳамда қандолат маҳсулотлари етказиб бермоқда. Мақсадга эришишда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан бизнес режа тузиш, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича ҳуқуқий, методик ёрдам кўрсатилаётганлиги муҳим рол ўйнамоқда.

М.ЖУМАНИЁЗОВ, хунарманд, Хазорасп тумани.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш хусусидаги Президент Фармонларини бажариш юзасидан аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Ҳозирда Хазораспда 367 нафар яқка тартибда фаолият юритувчи, 73 нафар юридик шахслар, жами 440 нафар тадбиркор фаолият юритаёпти. Жорий йилнинг ўтган

«Ташаббус» кўрик-танловининг ўтказилаётганлиги илгорлар тажрибасини оммалаштириш, энг яхши маҳсулотларни реклама қилиш, бозор мониторинги билан танишиш имконини бераёпти. Бу йилги танловда «Шухрат» медали соҳиби Жумабой Абдураимов раҳбарлигидаги фермер хўжаликлари совринли ўринларни эгаллашди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари, «Ипак йўли энергетик миссияси» вакиллари делегацияси раҳбари Сэйкен Сугиура Тошкент давлат юридик институтига таширф бурди.

МЕҲМОНЛАР ЮРИДИК ИНСТИТУТДА

Истиклол йилларида Ўзбекистон ва Япония муносабатлари барча жабҳаларда, жумладан, фан ва таълим соҳаларида ҳам тобора кенгаймоқда. Хусусан, мазкур институти ҳам Япониянинг Нагоя университети билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Утган йили Нагоя шаҳрида ўзбек ва япон олимлари ташаббуси билан йирик халқаро симпозиум ўтказилган бўлса, шундай анжуман жорий йилнинг сентябр ойида Тошкентда бўлиб ўтди. Япониялик юксак мартабали меҳмоннинг институти профессор-ўқитувчилари билан учрашувда икки мамлакат ҳуқуқшунослари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг истиқболга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. Учрашувда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним иштирок этди. (ЎЗА).

ЁШ РАҲБАРЛАР КЛУБИ

Анджон вилояти ҳокимлиги ёш кадрлар мактаби қошида халқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимлари учун истиқболли ёшлардан иборат «Келажақ» клуби тузилди. Бошқарув санъатини чуқур ўрганиш истагини билдирган 30 нафар ёшлар клубга аъзо бўлишди.

«Келажақ»нинг асосий мақсади академик лицей, коллеж ва институти талабалари орасидан энг истеъдодли ёшларни қидириб топишдан иборат, - деди клуб раҳбари Улуғбек Қосимхўжаев. - Ёшларимиз турли семинар ва суҳбатларда, қолаверса, давра суҳбатлари ҳамда турли лойиҳаларда иштирок этиб, ўз билимларини тўлдириб боради ҳамда бошқарув кўникмаларини эгаллашади.

«Туркистон-пресс»



2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

ТАШАББУС ҚЎЛ КЕЛДИ

натижада 10 миллион сўм маблағ тежаб қолинди

Қизилтепа туманида «Таълим тўғрисида» ва «Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури тўғрисида»ги қонунларни ҳаётга татбиқ этишнинг изчиллигини таъминлаш, таълим муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда хар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга оид режа ва тадбирлар аниқ бажарилмоқда.

Жумладан, режа асосида ўтган йили С.Раҳимов, Э.Сачоқов, «Зарафшон» ва Низомий номи мактаблар тўла капитал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун бюджет ҳисобидан 69 миллион 100 минг сўм маблағ ажратилди. Режадаги 2 та мактаб ўрнига 8 та мактаб газлаштирилди. 4, 7, 9, 12, 21, 23-мактабларга телефон алоқаси ўрнатилди. Ф.Ғулом, А.Навоий, Фурқат, Ал-Хоразмий, Б.Турдиев, Х.Олимжон номи мактаблар тоза ичимлик суви билан таъминланди. «Зарафшон», Ал-Бухорий номи мактабларга бюджет ҳисобидан «Пентийум» компьютер синфлари, С.Раҳимов ва Низомий номи мактабларга 305 та парта, бир қанча синф доскаси олиб берилди. «Зарафшон» мактабида химия, физика ва лингафон хоналари жиҳозланди. Мактабда 240 та ўринли синф хоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Туман халқ таълими бўлимида ўтган йили 3 миллион 750 минг сўм сармоядан ташқари маблағ топиш белгиланган эди. Йил давомида бу кўрсаткич 22 миллион 674,5 минг сўмга бажарилди. Туманда шу йилнинг олти ойи мобайнида 18 миллион 857 минг сўмдан ошқ маблағ топилиши айниқса қувонарли бўлди. Хўш, бу йил мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш қандай бормоқда? Йил бошидаги режага кўра

3 та мактаб капитал таъмирланиши лозим эди. Бироқ, ўтказилган кейинги текширувлар яна икки мактабнинг тўла таъмирлаш кераклигини кўрсатди. С.Айний, Т.Ҳамид, И.Ҳужаев, А.Навоий, Ойбек номи мактабларни капитал таъмирлаш режага киритилди. Бунинг учун 21 миллион сўм маблағ ажратилди. Худди шунингдек, мактабларни жорий таъмирлаш ишларига 6 миллион 220 минг сўм сарфлангани кўзда тутилди. Жорий йилда икки мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ибрат

Ибн Сино номи мактабда 320 ўринли қўшимча янги бино фойдаланишга топширилди.

Таълим жарафини янада яхшилаш мақсадида 16 та мактабга молиявий мустақил мактаб мақоми берилган. Қизилтепа туманида биринчи марта таълим хизматини яхшилаш мақсадида халқ таълими бўлими ҳузурида ўқув устaxonаси ташкил этилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган ўқувчилар парталари, стол ва стулларни таъмирлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги бозор иқтисодий шариоитида бир дон партиянинг 70-80 минг сўм баҳоланаётган бўлса, ўқув устaxonасида атиги 8-9 минг сўм сарфланиб, парта янги ҳолатга келтирилмоқда. Агар бу йил 11 миллион сўмлик парта ва доскалар яроқсиз ҳолга келиб қолгани назарда тутилган бўлса, янги тадбир бюджетдан ажратилган 10 миллион сўмни тежаб имконини берди.

Туманда яна бир ташаббусга қўл урилди. С.Бўстўний номи мактабда синф хоналари полига ётқизилган линолиумни таъмирлаш бўйича

семинар ўтказилди. У жуда катта самара берди. Буни қўйидаги мисолдан ҳам билса бўлади. Мазкур мактабнинг битта синф хонасига янгидан линолиум тўлаш учун 300 минг сўм маблағ сарфлаш керак. Мактабда 54 та синф хонаси борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, 18 миллион 200 минг сўм талаб этилади. Мактаб жамоаси ўз-қўчи билан шу линолиумларни таъмирлади. Натижада 16 миллион 200 минг сўм маблағ тежаб қолинди.

Мактаб ерларидан унумли фойдаланиш ҳам бюджетдан сарфланадиган маблағларни тежаб имконини бермоқда. Ҳар йили боғлардан яхшигина хосил олинмоқда. Етиштирилган мевалар қурилиб, болалар боғчаларига берилмоқда. Боғча ходимлари эса ўз қўллари билан компот ва турли хилдаги шарбатлар тайёрлашмоқда. Бу маҳсулотлар йил давомида боғча болалари томонидан истеъмол қилинмоқда.

Туманда ҳомийлар ва ота-оналар билан ҳамкорликда жуда кўп иш қилинди. Жумладан, «Зарафшон» мактабнинг футбол майдони ҳомийлар ва ота-оналар ёрдамида қайта таъмирланди. 1,5 миллион сўмлик иш ҳашар йўли билан бажарилди. Худди шунингдек, Ал-Бухорий номи мактабда шу йўл билан 1 миллион 510 минг сўмлик иш бажарилди, мактаб шифти ва поли таъмирланди.

Шуниси диққатга сазоворки, кўрилаётган чора-тадбирлар кейинги икки-уч йил ичида таълим-тарбия жарафини кескин яхшилаш имконини берди. Буни туман ўқувчи ёшлари фанлар ва спорт турлари бўйича ўтказилаётган республика мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаётгани ҳам тасдиқламоқда.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ

Ёз фаслида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақти таътил давомида бирор касб-хунар ўргатиш, вақтини мазмунли ўтказиш нафақат ота-оналар, балки маҳалла аҳлининг ҳам вазифасидир. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси эътибор қаратилган. Бу ерда яшаётган 273 минг нафар аҳолининг қарийб 75 мингини воёга етмаган ёшлар ташкил этади. Айни пайтда туманда воёга етмаган ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида шаҳар меҳнат бўлимига 167 нафар воёга етмаган ёшлар мурожаат этган. Шундан 78 нафари иш билан таъминланган. 79 нафарига касбий маслаҳат берилган.

Ҳозирда туман ички ишлар бошқармаси халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда бекор юрган, тарбияси оғир ёшларни аниқлаб, 105-интернат қошида ёзги оромгоҳ ташкил этди ва шундай болалардан 20 нафари у ерга жойлаштирилди.

Айни пайтда туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, меҳнат бўлими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик туфайли воёга етмаган ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик бирмунча камайди, - дейди Мирзо Улуғбек туман ҳокими ўринбосари, воёга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси раиси С.Аҳмедов. - Воёга етмаган ёшларни турли ёмон йўللардан асрашнинг энг мақбул йўли - бу уларнинг бўш вақтини хар томонлама мазмунли ташкил этишга қўмақлашиш. Ҳозир ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида тумандаги маҳаллалардаги спорт майдонларини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

(ЎЗА).

ФАҲРИЙЛАР САНАТОРИЙСИ

Вилоятимизда истиқомат қилаётган 131 минг 558 нафар нурунийнинг аксарияти диспансер кўригидан ўтказилди. Даволанишга муҳтож бўлган қария ва ногиронлардан 448 нафари санаторийларда, 234 нафари профилакторийларда саломатлигини тиклади. Диспансер кўригидан ўтказилган қария ва

ногиронларни 30 миллион сўмлик дори-дармон билан таъминладик. Саховатпеша ташкилотлар, тадбиркорлар билан ҳамкорликда йил бошидан буён 86 минг 35 нафар қария ва ногиронларга 152 миллион 193 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. 118 нафар ногирон ҳомий ташкилотлар кўмагида аравачалар

Тўхфа

мен қатори мамлакатимизнинг бир, қанча вилоятларидан келган дардмандларга ҳам маъқул тушди. Тоғ ҳавоси, бамайлихотир ётиш-туриш, тўйимли овқат манзур бўлмоқда. Ҳаммасидан ҳам бизга кераги - дўхтирлари билимдон экан. Ҳамширалар ҳам хушмуомала, ҳозир нузир. Мутахассисларнинг таъбиқлашича, санаторий ҳудудидан чиқаётган маъданли сув кремний элементига тўйинган бўлиб, ошқозон-ичак, буйрак, жигар, ўт пуфак йўллари, қандли диабет касалликларини даволашда жуда фойдали. Бу сув Марказий Осиёда ягонадир. (ЎЗА).

«Ишонч»га жавоб берадилар

МАҚОЛА КАТТА ФОЙДА КЕЛТИРДИ

Газетамизнинг жорий йил 14 май сонидеги «Сардорда иш нега орқага кетди?» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда туман қишлоқ хўжалиги ҳамда кичик ва ўрта бизнесга муносабат масаласидаги жиддий камчиликлар танқид остига олинганди.

Тахририят ушбу мақола юзасидан қуйидаги жавобни олди. Унда жумладан шундай дейилади:

— Маъбуот чиқишида келтирилган далиллар тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам 2000-2001 йилларда Ғузор тумани қишлоқ хўжалигида ишлар орқага кетди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолияти сустигли сезилиб қолди. Танқидий мақола туман ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама этилди. Камчиликларни бартараф қилиш, барча тармоқни бирдек ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Уларнинг ижроси қатъий назоратга олинди. Қувончлиси шуки, жорий йилнинг ўтган олти ойи ичида кичик ва ўрта бизнес

субъектлари 204 тага, кичик корхона ва фирмалар эса 31 тага кўпайди. Олти ой ичида уларга 208 миллион сўмлик микрокредитлар берилди. Тадбирлар шарофати туфайли 1083 та янги иш ўринлари яратилди.

Мақолада қишлоқ хўжалигидаги ахвол адолатли тарзда атрофлича таҳлил этилганди. Бу кўпчиликка сабоқ бўлди. Аксарият деҳқонларимиз, фермерларимиз энг шимариб ишга киришдилар. Натижа кутилгандек бўлди. Шу кунгача туманда дон сотиш шартнома режаси 125 фоизга бажарилди. Деҳқон ва фермер хўжаликларида дон ҳосили учун 53 миллион сўмлик бўнак ажратилди.

Ғузорда шаҳар ва қишлоқларни бош режа асосида қайта қуриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига эътибор қаратилди. Олти ой мобайнида 249 минг тул мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Хайрли ишлар изчил давом этмоқда.

Ш.САТТОРОВ, Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари.

Тармоқ касабга уюшма қўмиталарида

Таълим тизимида меҳнат қилиб, пенсияга чиққан кишилар ҳам қарияларни кадрлаш йили муносабати билан эътиборда, эъзоздалар. Хусусан, бу борада таълим ва фан ходимлари касабга уюшмалари Тошкент вилояти қўмитаси савоб ишлари бошида бўлапти.

Шифокор Раъно Тўлагановадан хурсандимиз. Шифо масканида қарияларнинг маданий дам олишлари

УЛАР БИЗНИНГ БАХТИМИЗ

Март ойида Ўрта Чирчиқ туманига тақлиф этилган 150 нафар пенсионерлар билан ўтказилган «Қариси бор юртнинг файзи бор» давра суҳбатиде кўплаб вазибалар режалаштириб олинди. Жорий йилнинг ўтган ярим йилида байрам муносабати билан 6 минг 300 нафар пенсиядаги кишиларни тақдирлаш учун 22 миллион 155 минг сўм маблағ сарфланди.

Кам таъминланган қарияларга коммунал хизматдан имтиёзли фойдаланишлари учун имконият яратилди. Бутун ҳаётларини ёш авлодга билим беришга сарфлаган кишиларнинг аксарияти айна кунларда меҳнат қилиб келмоқдалар. Шу йилнинг июл, август ойларида вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти

га хизмат кўрсатадиган профиларий улар ихтиёрига берилди. Хопензор кунларда 100 ўринли бу масканда кекбор юртнинг файзи бор» давра суҳбатиде кўплаб вазибалар режалаштириб олинди.

Бундан ташқари ўтган ойда Янгийўл, Зангиота, ЎртаЧирчиқ, Қибрай, Тошкент туманлари ва Янгийўл шаҳридаги 100 нафар меҳнат фахрийларининг «Зарафшон» концерт залида дам олишлари ташкил этилди. Ишлаб турган пенсионерларни химояга олиш вилоятнинг ҳамма мактабларида яхши йўлга қўйилди.

992 та таълим масканларида 4 минг 500 нафар қарияларга кўрсатилган моддий ёрдам 3 миллион сўмдан ошиб кетди. **Шухрат Йўлдошев, Тошкент вилоят таълим ва фан ходимлари касабга уюшма қўмитаси раиси.**

СЕВИНЧ УЛАШГАН ОНЛАР

Мамлакатимиздаги ноҳукумат ташкилотлар ҳам мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилда дам олишини ташкил этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

«Амир Темури ўғлонлари», «Сиевўш» ҳарбий-ватанпарварлик клублари томонидан «Оқтош» дам олиш масканида ёзги оромгоҳ ташкил этилди.

Ушбу оромгоҳда 200 дан зиёд бола турли спорт уйинлари, миллий тарихимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматни мустаҳкамлашга қаратилган маънавий тадбирларда иштирок этмоқда. Бу эса ҳар томонлама баркамол ва ўз Ватанини севадиган ёш авлодни тарбиялашга ёрдам беради.

(ЎЗА).

Бор бўл, оқибат!

БЕПУЛ ДОРИ — ДАРМОН

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилги Қарияларни кадрлаш Давлат Дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича Қашқадарё вилоятида бирмунча ишлар амалга оширилди. Даволаш профилактика муассасалари ва вилоят аҳолини дори-дармон ҳамда тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ташкилотлари 46 та ташкилот билан шартнома тузишган. Шунга кўра жорий йилда қарийб 10 миллиард сўмлик 2300 хил дори-дармон жойларга етказиб берилди.

— Асосий эътибор Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат Дастури тўғрисидаги Фармони кўрсатмалари, талабларини бажаришга қаратилган, — дейди биз билан суҳбатда вилоят «Дори-дармон» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Очил Халилов. — Ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш учун имтиёзли бериладиган дори-дармонларни тарқатиш қатъий назоратга олинган.

Йилнинг ўтган ойлари давомида аҳолига 138 миллион сўмликдан зиёд дори-дармон тарқатилди. Шундан ўзгалар ёрдамга муҳтож ёлғиз нафақахўрларга 1 миллион 347 минг, меҳнат фахрийларига 2 миллион 518 минг, уруш қатнашчилари ва ногиронларга 6 миллион 383 минг сўмлик дорилар бепул берилди.

Тизимдаги Нишон, Муборак, Қарши туманлари, Шаҳрисабз, Таллимаржон шаҳарлари дорихона ходимлари 20 хилдаги дори билан аҳолини ўз вақтида таъминламоқдалар. Бемор ётган кекса ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олиб туришибди.

Ўтган ярим йилликда хорижий мамлакатлардан 90 минг АҚШ доллари миқдорига дори-дармонлар келтирилди. Яқкабоғ туманидаги «Саховат» қариялар уйига 70 минг сўмлик дори бепул берилди. Шунингдек, «Улмас ёдгорлик» кўзи ожизлар масъулияти чекланган жамиятга ҳам хайрия ёрдами кўрсатилди.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

КОЛЛЕЖДАН КОНГА

Учқудуқ шаҳар касб-хунар саноат коллежини битирган ёшларга қончилик соҳаси мутахассислиги бўйича дипломлар топширилди. Билим юртини 96 нафар йилгит-қиз тўрт ихтисослик бўйича битирди.

Диплом топшириш маросимининг ўзида Навоий кон-металлургия комбинати шимолий кон бошқармаси ёш мутахассисларни қорхонага ишга тақлиф этди.

Истиқлол шарофати билан жамиятимизда иқтисодий тараққиётнинг асоси бўлган меҳнатга муносабат ўзгарди. Фуқароларни моддий рағбатлантиришнинг янги тузилмаси вужудга келди.

Манғит пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш сифати ва самардорлиги кундан-кунга ошиб бормоқда. Бунга ишлаб чиқариш жараёни такомиллаштирилиб, янги қувватлар ва технологик ускуналар дадиллик билан қўлланаётганлиги натижасида эришилди. Меҳнат жамоаси бир неча йиллардан бери халқаро сифат ва сертификатлаш ташкилотининг олтин нишонига сазовор бўлиб келмоқда.

Молиявий барқарорлик, иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланаётганлиги ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ

соф фойданин 25 фоизини ижтимоий ҳимояга сарфлаш имконини берди

қимилларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратмоқда. Маъмурият билан касабга уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига одамлар турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган қўшимча бандлар киритилган.

Тармоқда йил бўйи 78 миллион 402 минг сўмлик соф фойда олинган бўлса, шунинг 21 миллион 148 мнг

сўми фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадларига сарфланди. Жорий йилнинг би-

Меҳнат ва рағбат

Жамоада кўп йиллар

ринчи ярмида бу ракам 11 миллион сўмдан ошиб кетди.

Корхонада 167 нафар киши 2 миллион сўмлик газета ва журналларга ҳиссадорлик жамияти маблағларидан обуна қилинди. Бундан ташқари ишчиларга йил якунида 11 миллион 140 минг сўм мукофот пули берилди. Овқат пулига 6 миллион 800 минг сўм сарфланди.

меҳнат қилган 14 нафар киши нафақага узатилиб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди. «Қарияларни кадрлаш йили» муносабати билан кекса отахон ва онахонларга озиқ-овқат махсулотлари тарқатилди.

Хотин-қизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Ёш болали аёлларга ҳафтада бир кун қўшимча таътил берилади. Кам таъминланган ва эмизикли фар-

занди бор оилаларга моддий ёрдам берилди.

Самарали меҳнатнинг натижаси янада қувончли. Ялли махсулот ишлаб чиқариш 3 миллиард сўмликдан ошиб кетди. Хар бир акцияга 2594 сўмдан дивидент тўланди. Меҳнатни муҳофазалаш, иш жойларини тоза ва озода сақлаш, техника хавфсизлиги масалалари доимий эътиборда.

Хулоса қилиб айтганда, «Юлдуз» номи билан аталадиган бу йирик корхона Қорақалпоғистондаги ҳақиқий нуфузли жамоага айланган.

Болтабой ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.



Бу йил Пскент тумани далаларида ҳам ризқу рўзимиз бўлган галладан мўл ҳосил етиштирилди. Айна пайтда сўнги гектарлар ҳосили саранжомлаб олинди.

Дон узлуксиз равишда «Тўй-Тепадон» масъулияти чекланган жамиятга қарашли «Пскент дон» қабул қилиш шохобчасига етказиб берилмоқда.

Суратларда: тумандаги Охунбо-



боев номли ширкат хўжалиги галла майдонида; мутахассислар М.Дўстбеков, А.Қаюмов ҳамда хўжалик аъзоси Р.Тошбоев ҳосил чўгидан мамнун.

София Ёвқочева асли ўқитувчи. Қарийб 30 йил Нуробод туманидаги мактабларда дарс берди. Мустақиллик йилларида бу ўзбек аёли тадбиркорликка қўл урди.

ФЕРМЕР

тоза ичимлик суви муаммосини ҳал қилмоқчи

Дастлаб оила аъзолари билан далми майдонлардан 10 гектар ер олиб деҳқончилик қилди. Ишнинг сир-асорларини пухта эгаллагач, ер майдонини 30 гектарга кенгайтди. Бунинг фақат 5 гектари гина суғорилади. Ер алдаганин ёқтирмайди. Халол, сидқидилдан ишлаш керак. Шунга амал қилган С.Ёвқочева бошлиқ «Шерхон» фермер хўжалиги аъзолари сув танқис бўлган йилларда ҳам мўлжалдаги ҳосилни олишди.

— Биз бойлик орттиришни олди-

мизга мақсад қилиб қўйганимиз йўқ, — дейди С.Ёвқочева. — Одамларимизнинг яхши яшашига ҳисса қўшимиз керак. Ҳозир фермер хўжалигимизда каттакўрғонлик, пастдарғомлик ва ҳамқишлоқлардан ўнлаб одамлар ишлаша-

ди. Ўтган йили режадагидан ортиқ ҳосил ҳисобидан нафар кам таъминланган оилага галла тарқатдик. Қишлоғимиздаги 41-мактабдаги қаратэ тўғараги аъзоларига махсус спорт кийимлари олиб бердик.

Ҳозир фермер опа қишлоқнинг тоза ичимлик суви муаммосини ҳал қилишга кўмаклашишни ўйлапти. Қишлоқда маиший хизмат ва бошқа тармоқларни ривожлантириш ҳам унинг келажақдаги режасига киради.

К.РУСТАМОВ.

ТАЪМИНОТ ЯХШИЛАНМОҚДА

«Хонобод-Анджион» сув қувури тозалаш станциясининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Мазкур станциянинг иккинчи қисми биринчиси каби қунига 100 минг куб метр сувни қайта ишлаш қувватига эга. Шунингдек, 31 километрни иккинчи магистрал сув қувури ҳам ишга тушди.

Бир пайтлар вилоят аҳолисининг ичимлик сувиغا бўлган эҳтиёжини қондириш учун Анджион сув омбори имкониятларидан фойдаланишга қарор қилинган эди. Ана шу мақсадда Хонободдан Анджионга иккинчи магистрал сув қувури ётқизиш, тўғон ёнида эса тозалаш станцияларини қуриш кўзда тутилган.

Узунлиги 70 километрдан зиёд биринчи сув қувури линияси ҳамда биринчи сув тозалаш станцияси 1994 йилда ишга туширилди. Гер-

мания ва Польшадан келтирилган диаметри 1400 миллиметрли гидроизляцияланган қувурлар Қорақарддан вилоят марказига тоза сув бера бошлади. Лойиҳа бўйича сув қувурининг иккинчи линиясини ва тозалаш станциясининг иккинчи навбатини қуриш режалаштирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 мартдаги қарори ҳам ана шунга қаратилган. Жорий йилнинг ёзида тозаланган сув ҳажми икки баравар кўпайди.

— Иккинчи магистрал линиянинг 31 километрни

қисми фойдаланишга топширилди, — дейди «Хонобод-Анджион» сув қувури қурилиши дирекцияси раҳбари Т.Парпиев. — Тасдиқланган жадвалга мувофиқ, у ҳар йили 5 километрга узайтирилади. Бундай ўсиш суръати қурилиш ишларини ҳукумат қарориде белгиланган муддатда бажариш имконини беради. Вилоят марказига яқин жойлашган туманларда истиқомат қилаётган қарийб 500 минг аҳоли ичимлик суви билан таъминланди. Бажарилган ишлар қиймати 841 миллион сўмдан ошди. Дирекциянинг андижонликларни ичимлик суви билан юз фоиз таъминлаш бўйича ишларини давом эттирмоқда.

(ЎЗА).

Бир гуруҳ сирдарёлик тадбиркорлар муҳбиримизга учраб, Гулистон шаҳар ҳокимлиги томонидан қонун билан ҳимояланмаган ҳақ-қуқуқларига пугур етказилганлигини айтишиб ёрдам сўрашганди.

Хўш, гулистонлик тадбиркорлар нимадан норози?

Гулистон обод ва кўркем гўшага айланди. Айниқса, тадбиркорлик йўналишига бўлган эътибор туфайли шаҳар иқтисоди кун сайин юксалмоқда. Шаҳарнинг биргина Туркистон кўчасида жойлашган савдо дўконларида эл эҳтиёжи учун турли хил махсулотларни учратиш мумкин. Бу ерда фаолият юритаётган юз нафардан ошқиб ишбилармонлар ўз сармояларидан беширим дўконлар барпо этиб, халқ маъмуричилигига ҳисса қўшиб келишапти. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ҳар ойда 3 миллион сўмга яқин солиқ тушумлари тўпланиб, маҳаллий бюджетга салмоқли улуш қўшмоқда. Бир сўз билан айтганда 300 нафарга яқин киши ана шу даргоҳда ўз иш ўрнига эга.

Аммо шу йилнинг 6 майдан 14 май кунигача бу савдо мажмуи фаолияти мажбуран тўхтатиб қўйилди. Хар

ТАДБИРКОРЛАР НИМАДАН НОРОЗИ

бир дақиқани пулга қақувчи тадбиркорлар бекор ўтирган кунларда сезиларли моддий ҳамда маънавий зарар кўрди. Нега? Бунга шаҳар ҳокими Т.Рўзиев қабул қилган фармойиши сабаб бўлди.

Маълумки, шаҳардан 5 чақирим олислиқда Гулистон «Улғуржи бозори» қад ростлаганига анча бўлди. Аммо яқка тартибда савдо қилувчи фуқароларнинг аксарияти бу ердан шаҳарнинг гавжум маҳалла қисмию деҳқон бозори

атрофини ҳуш кўришади. Сабаби Улғуржи бозор одамларга узоклик қилади. Натижада мутасаддиларнинг бозорни тўлдириб хусусидаги кўп бора уринишлари бекор кетаверди. Қайсар тижоратчилар у ердан қочиб, ша-

ҳардан кўним топиб олишади. Хатто йўлақларга ҳам мол ёйиб, савдо қилиш пайида бўлишдан ўзларини тия олмасдан қолган. Бу эса шаҳардаги тартибга, орасталиқка пугур етказмоқда. Ана шу бесаранжомликка барҳам бериш хусусида яхши ниятда фармойиши қабул қилинган. Бироқ, бирёқлама ўйлаш ҳўлу-қуруқни баравар ёқди. Яъни шаҳар ҳокимининг 2002 йил 10 майдаги ана шу маскани жаҳон бозорига ай-

«Ишонч» бонг уради

лантириш хусусидаги фармойиши дўкон қуриб, тартиб интизомни сақлаган ҳолда савдо қилаётган тадбиркорларни ҳам четлаб ўтмади.

Оқибатда юқоридаги таранглик юзага келди. Халқимизда етти ўлчаб бир кес, деган нақл бор. Бу муаммони хамирдан қил суғургандек ҳал этиш ҳам мумкин эди. Аммо шошма-шошарлик панд берди. Ваҳоланки, муҳим ҳужжатни тайёрлашда Туркистон кўчасидаги савдо шохобчалари қандай ҳужжатлар асосида қачон қурилгани, бу дўконларда қимлар, қачондан бўён ишлаётгани ўрганилмасдан,

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга зид равишда иш юритилган. Колаверса, фармойишда дўконларни ёпиб қўйиш ҳақида ҳеч бир гап йўқ. Шунга қарамадан, ижрочилар тадбиркорларни 8 кун мобайнида дўконлар эшигига қулф уришга мажбур этишган.

— Адлия идораларининг фаол аралашуви туфайли шаҳар ҳокимининг шу йил 10 май фармойишига ўзгартириш киритилди, — дейди вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Зокиржон Отабоев. — Туркистон кўчасидаги дўконларга нисбатан барча чеклашлар олиб ташланди. Эндиликда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарни суд орқали ундириш чора-тадбирини кўраяпмиз.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Саволларингизга мутахассис Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб беради

Пенсионерларга бериладиган имтиёзлар ва ижтимоий ёрдамнинг умумий тавсифи

Пенсионерларга ва аҳолининг муҳтож табақаларига ижтимоий ёрдам, уларни аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлаш тобора кучайиб бормоқда. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан 2002-2003 йилларга мўлжалланган Дастурнинг мақуллини, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори, «Қарияларни қадрлаш йўли тўғрисида»-ги, «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорларнинг қабул қилиниши бу соҳага давлат эътибори янада кучайганини аниқлатмоқда.

Пенсионерларга коммунал хизматлар борасидаги имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832 сонли «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги bosқичи тўғрисида»-ги Фармонида мувофиқ уй-жой коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар бериладиган шахслар тоифаларининг рўйхати тасдиқланган бўлиб (Фармоннинг 3-илоvasи), унга кўра уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар коммунал хизматлар учун (совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация, иситиш, газ, электр энергия) тўланадиган ҳақнинг 50 фоизи, фойдаланиш харажатларининг 100 фоизи миқдоридики ҳақ тўлашдан озод этиладилар, 1941-1945 йилларда меҳнат фронтини тартиб тўғрисида» Низом тасдиқланган (қарорнинг 2-илоvasи). Унга кўра имтиёзларга оид аввалги ҳукумат қарорлари қайта кўриб чиқилган.

Шу муносабат билан 1999 йил 12 мартда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 666-тартиб рақами билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли пунктларида тураржойларни сақлаш харажатлари ва коммунал хизмат харажатларини тўлаш тартиби» ва ушбу «Тартиб»-да кўзда тутилган имтиёзлар бериш доираси муайян ўзгаришларга учради.

Пенсионерларга транспорт хизмати кўрсатилиши хусусидаги имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисида»-ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, айрим тоифадаги фуқароларга махсус Қонун ҳужжатлари билан шаҳар йўловчи транспортида юриш бўйича имтиёзлар берилиши кўрсатиб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланишнинг тартибига солиш тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, 1941-1945 йилларда урушда ногирон бўлган шахслар ва I гуруҳ ногиронларига ҳамроҳлик қилувчи шахслар, Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатлар ҳудудларида уруш харажатларида қатнашган шахслар, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, Чернобул АЭС ҳалокати оқибатида нурланган шахслар, кўзи ожиз ногиронлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар шаҳар йўловчи транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланишлари мумкин. Ушбу Қонун қабул қилиниши муносабати билан аввалги кўпгина Қонун ҳужжатлари бекор қилинди.

Пенсионерларга солиқлар соҳасида имтиёзлар кўзда тутилганми?

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 58-моддаси 2-қисмига мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронлари, болаликдан ногиронлар, I, II гуруҳ ногиронлари ва бошқа тоифага мансуб фуқаролар ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробаригача миқдорда даромад солиғи тўлашдан озод қилинганлар.

Солиқ Кодексининг 93-моддасига кўра пенсионерлар, I, II гуруҳ ногиронлари, уруш қатнашчилари ва бошқа кўплаб тоифага мансуб фуқаролар иморатлар, бинолар, иншоотлар учун тўланадиган мол-мулк солиғидан озод қилинганлар.

Солиқ Кодексининг 102-моддасига биноан, уруш қатнашчилари ва ногиронлари, I, II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа бир қатор тоифага мансуб шахслар белгилаб қўйилган нормалар доирасида ажратилган ер участкалари учун ер солиғи тўлашдан тўла озод қилинганга.

Ўзгалар парваршишга муҳтож ёлғиз пенсионерларга ижтимоий хизмат

Пенсионерларнинг ушбу тоифасига махсус тарзда хизмат кўрсатиш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги «Ўзгалар парваршишга муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоясига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да»-ги Фармонида кўра, 60 ёшга кирган, ёшидан қатъи назар I, II гуруҳ ногирони бўлган, болалари ва яқин қариндошлари бўлмаган, саломатлигига кўра ўзгалар парваршишга муҳтож бўлган шахслар ёлғиз пенсионерлар деб ҳисобланадилар. Ўзгалар ёрдамига муҳтожликни тиббий назорат комиссияси ва тиббий меҳнат экспертизаси комиссияси аниқлайди. Ёлғиз пенсионер деб топиладиган шахсларга ижтимоий таъминот бўлимининг тегишли хизматлари томонидан белгиланган тартибда хизмат кўрсатилади.

БИЗДАН СЎРАТАН ЭДИНГИЗ



Пенсионерлар ва ногиронларни санаторий ва курортларда даволанишни ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1993 йил 8 июлдаги 94-Д сонли буйруғи билан пенсионерларни санаторий-курортлар ва дам олиш уйларида йўланма билан юбориш тартиби тасдиқланган бўлиб, унга кўра барча пенсионерлар санаторий-курортларда



даволаниш учун бепул йўланма олиш ҳуқуқига эгадирлар. Санаторий-курортларга бепул йўланма билан берилувчиси ва тартиблари юқоридаги йўриқномада аниқ белгилаб қўйилган.

Саволларингизга ТДЮИ «Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси» ўқитувчиси Гулноза САТТОВА жавоб беради

САВОЛ: Мен 1950-1954 йили армияга чақирилиб Забайкал ҳарбий округида курилиш батальонини қўриқиб қилдим. Шу муносабат билан Мен уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар доирасига кирманми? Неъмат УСАНОВ, Баҳмал тумани, «Оламон» қишлоғи. ЖАВОБ: Вазирлар Маҳ-

даги темир йўлларда, мудофаа чизиги иншоотлари курилишларида, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ҳамда иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий харақатлар кетаётган жойлардаги бошқа ҳарбий объектлар кўринишида иштирок этган ходимлар уруш қатнашчиларига тенглаштириладилар. Аҳамият берган бўлсангиз, уруш қатнашчилари доирасига бевосита фронтда жангдор харақатларда иштирок этган шахслар ва фронт чизигига яқин бўлган жойларда ҳарбий объектлари курилиш ишларида иштирок этган шахслар кирди.

САВОЛ: Мен 29 йилдан бери ҳамшира бўлиб ишлайман. 4 нафар фарзандим бор. Имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқим борми? 1999 йил 14 апрелдаги «Имтиёзлар тўғрисида»-ги қонун билан белгиланган имтиёздан фойдалансам бўлади-ми? Бозоров КҲУРЧИЕВА, Поп тумани «Уйғур» қишлоғи. ЖАВОБ: Амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги қонуннинг 12 моддасининг «в» бандига мувофиқ шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар — махсус иш стажига эришган шахсларга 25 йил ва шаҳарларда камидан 30 йил бўлган тақдирда умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш

тиббий ходимлар рўйхатига лавозими жонлинидан қатъий назар барча ҳамширалар киритилган. Умумий белгиланган ёш деганда юқорида айтиб ўтилган қонуннинг 7 моддасида кўрсатилган ёшни назарда тутиш керак (яъни эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун — 55 ёш). Демак, 12 модданинг л-бандида белгиланган имтиёздан фойдаланган ҳолда ҳамшира бўлиб ишлаётган аёллар 50 ёшда пенсияга чиқишлари мумкин. Иккинчи саволнинг келса, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги қонуннинг 12 моддасида — умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган ва ушбу моддага кўра камидан 20 йил иш стажига бўлган аёллар 54 ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Демак, махсус рўйхатлар бўйича имтиёзли пенсия оладиган аёлларга ушбу модда тадбиқ этилмайди.

САВОЛ: Кўп болали оналарнинг имтиёзли ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқлари тўғрисида маълумот берсангиз. М.МУХАММАДЖОНОВ, Шаҳрихон тумани «Дўстлик» ширкат хўжалиғи. ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги қонуннинг 12 моддасининг «3» бандида кўрсатилганидек, беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар болани парвартириш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда иш стажига 20 йил бўлса, ёки болани парвартириш учун кетган вақт қўшилганда иш стажига 15 йилни ташкил қилса (қонуннинг 37 модда «ж» банди. 37-модда, 2-қисми).

Имтиёзли пенсия олиш учун 5 йил меҳнат стажига етмаган бўлса, демак фарзандларни парвартириш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда Сизнинг умумий меҳнат стажингиз 15 йилни, болаларни парвартириш учун кетган вақтни ҳисоб олганда эса, 9 йилни ташкил қилади (болалар учун қўпи билан 6 йил қўшилади). Бу эса ҳуқуқига эга (3-сонли рўйхат, VIII қисм). 1994 йил 12 майдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 250-сонли қарор билан тасдиқланган 3-сонли рўйхатнинг 8-қисмида

Жабр кўрганлар орасида аёллар ва болалар бор. Ҳозирча ҳеч бир экстремистик гуруҳ ушбу воқеада ўз қўли борлигини маълум қилмади.

ПЕРУ — ҚОР ОСТИДА

Лотин Америкасининг тоғли ўлкаси Перуда юз берган қор бўрон бутун мамлакат ҳаётини издан чиқариб юборди. Баъзи жойларда қорнинг қалинлиги бир метрга етди. Қўлни кўрган қариялар ҳам қачон шундай ҳол бўлганини эслаб олишмади.

АМАЛГА ОШМАГАН СУИҚАСД

Франция президенти Жак Ширак бир ўлимдан қолди. «Бастилия олинган кун» миллий байрами ўтаётган паллада 25 ёшли неонацист Максими Брюнери гитара гилофи ичига яширилган милтиқни олаётган пайтда ён-atroфдаги одамларнинг хушёрлиги ва тартиб посбонларининг чадастлиги натижасида қўлга олинди.

Жиноятчи ҳозир руҳий хасталиқлар шифохонасида тиббий кўриқдан ўтмоқда.

Юртимиз сиҳатгоҳлари

Халқимиз азалдан нуруний кексаларни эъзозлаб, уларни дуосини олишни фарз деб билади. Катта ишни бошлашдан олдин албатта нурунийлар маслаҳати олинади. Ҳа, қариси бор унинг париси бўлганидек, доно кексалари бор юрт ҳам қудратли бўлади. Шу боис мустақил юртимизда отахон ва онахонларимизга гамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

«ТОВОҚСОЙ»ДА БИР КҮН

Нурунийларнинг рисоладагидек ҳаёт кечиришлари ва саломатликларини тиклашлари учун зарур шароит яратилмоқда. Бунинг «Товоқсой» сиҳатгоҳи мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда асосан уруш ва меҳнат фахрийлари дам олиб, даволанишди. Бир йўла 400 нафар кишига хизмат қиладиган сиҳатгоҳимизда йил давомида 7 мингдан ортиқ нурунийлар саломатликларини тиклайдилар. Сиҳатгоҳимиз асаб, юрак-кон томир, қандли диабет, ошқозон-ичак касалликларини даволашга иختисослашган. Жамоамизни қувонтириб қалбларимизни фаҳрага тўлдирадиган жойи шундаки, ҳар хафтада юзлаб кишилар дардларига даво топиб, руҳан ва jisман енгил тортиб уйларида кетдилар ва албатта яна қайтиб келишарини мамнуният билан таъкидлайдилар. Шифо масканимизда 13 нафар олий маълумотли врач-ординатор, парҳезшун шифокор ва 47 нафар ҳамшира меҳнат қилишяпти. Айни пайтда даволанувчиларга 20 турдан ортиқ муолажа усули қўлланиляпти. Дори-дармонлар билан сиҳатгоҳи-

риф буюриб, отахон ва онахонлар кўнгилларини хушнуд этадилар. Хуллас, бизда бир марта дам олган киши ҳар йили шу сиҳатгоҳга бораман деб орзу қилади. Нуруний отахон ва онахонларнинг куйида-

ЖУРНАЛНИНГ ҒАЛАТИ ХАБАРИ

Германия осмонида ҳалокатга учраган ТУ-154 самолёти йўловчилари — бошқирдистонлик қурбонларни сўзги йўлга кузатиш маросими низоҳасига етмай туриб, немис журналы «Фокус»-га галати хабарни тарқатди. Халокат содир этилган ўша машвуд тунда Швейцариянинг «Скайгайд» учиниши назорат қилувчи марказида диспетчердан ташқари яна қандайдир номаълум аёл ҳам бўлган.

КОТИЛГА — ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Афғонистон воқеалари нафақат томонларнинг ўзаро уруши, айни вақтда ушбу жафоқас ўлкада юз бераётган бугунги манзараларни дунё афғор оммаси шу урига етказишга жалб этилган журналистларни ҳам беихтиёр ўз домига тортиб кетмоқда. Ёдингизда бўлса, ўша жанглар қизгин паллага кирган пайтда террорчилар «Уолл-стрит джорнэл» наشري муҳбири Дэниел Перлни ўғирлаб кетиб, куракда турмайдиган турли шартлар қўйган ва охир оқибат қатл этган эдилар.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

Покистонда қотиллар устидан суд жараёни туғади. Бош айбдор Аҳмад Умар Саид Шайх осиб ўлдириса, яна икки жиноятчи 25 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

КИШЛОҚ ЎРНИДА АЭРОПОРТ

Мехикодан 30 километр олдига жойлашган Сан-Сальвадор Атенко қишлоғи деҳқонлари билан федерал ҳокимият вакиллари ўртасида тўқнашув бўлиб ўтди. Сабаби оддий: ҳозирда мавжуд аэропорт замон талабларига жавоб бермай қолди, шунинг учун муҳандис-меъморлар янгиосини бунёд этиш учун ушбу қишлоқ ўрнини қулай деб топиди.

КАШМИРДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Жамму ва Кашмир штати то ҳануз Осий қитъасининг оғриқ нуқталаридан бири бўлиб қолаётди. Қуни кеча яна хунрезлик содир этилди. Жангариларнинг беҳосдан қилган ҳужуми оқибатида 27 киши ҳалок бўлди, 30 киши яраланди.

12 фаол ҳибсга олинди. Бунга жавобан деҳқонлар ҳам шунча кишини гаровда ушлаб туришга қарор қилишди. Шу масала юзасидан мамлакат президенти Ви-сента Фокс радио орқали нутқ сўзлади ва муаммони ақл-идроқ билан ечишга чақирди.

КАШМИРДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Жамму ва Кашмир штати то ҳануз Осий қитъасининг оғриқ нуқталаридан бири бўлиб қолаётди. Қуни кеча яна хунрезлик содир этилди. Жангариларнинг беҳосдан қилган ҳужуми оқибатида 27 киши ҳалок бўлди, 30 киши яраланди.

КАШМИРДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Жамму ва Кашмир штати то ҳануз Осий қитъасининг оғриқ нуқталаридан бири бўлиб қолаётди. Қуни кеча яна хунрезлик содир этилди. Жангариларнинг беҳосдан қилган ҳужуми оқибатида 27 киши ҳалок бўлди, 30 киши яраланди.

Жабр кўрганлар орасида аёллар ва болалар бор. Ҳозирча ҳеч бир экстремистик гуруҳ ушбу воқеада ўз қўли борлигини маълум қилмади.

ПЕРУ — ҚОР ОСТИДА

Лотин Америкасининг тоғли ўлкаси Перуда юз берган қор бўрон бутун мамлакат ҳаётини издан чиқариб юборди. Баъзи жойларда қорнинг қалинлиги бир метрга етди. Қўлни кўрган қариялар ҳам қачон шундай ҳол бўлганини эслаб олишмади.

АМАЛГА ОШМАГАН СУИҚАСД

Франция президенти Жак Ширак бир ўлимдан қолди. «Бастилия олинган кун» миллий байрами ўтаётган паллада 25 ёшли неонацист Максими Брюнери гитара гилофи ичига яширилган милтиқни олаётган пайтда ён-atroфдаги одамларнинг хушёрлиги ва тартиб посбонларининг чадастлиги натижасида қўлга олинди.

АМАЛГА ОШМАГАН СУИҚАСД

Франция президенти Жак Ширак бир ўлимдан қолди. «Бастилия олинган кун» миллий байрами ўтаётган паллада 25 ёшли неонацист Максими Брюнери гитара гилофи ичига яширилган милтиқни олаётган пайтда ён-atroфдаги одамларнинг хушёрлиги ва тартиб посбонларининг чадастлиги натижасида қўлга олинди.

Жиноятчи ҳозир руҳий хасталиқлар шифохонасида тиббий кўриқдан ўтмоқда.

Шоира Зулфияни эслаб

Диёримизда қалби садоқат туйғулари билан лиммо-лим тўлган, сўзи битта, аҳди битта, муҳаббати битта аёллар жуда кўп.

Барчамизнинг устозимиз ва маслаҳат-гўйимиз Зулфияхоним садоқатда ўзига хайкал қўйган мухтарам эрта эдилар.

—Ҳамид Олимжон вафот этган кезлари -деб хикоя қилгандилар Зулфия опа,-фақат ушунга аламнок қалбимга таскин берарди. Уша «Баҳор келди, сени сўроқлаб»ни бир кечада ёзганим эсимда. Баҳор фасли эди. Ишдан қайтгач, тамадди ҳам қилмадим. Шундоқ мук тушиб ўтирганимча шеър ёзиб, тонг оттирдим. Эрта билан ишхонага келдим. Шеърни кимгадир ўқиб бергим келади денг. Кейин Фафур Фулом келиб қолдилар.

—Мен... бир шеър ёздим, Фафур ака, ўқиб берайми? -дедим.

—Ўқи, ўқи, Зулфия? -дедилар хурсанд бўлиб.

Мана, қимматлигим, яна баҳор келиб. Сени излаб юрди, кезди сарсари. Қишнинг ёқасидан тугиб сўради сени Ул ҳам ёш тўқдио чекинди нари...

Фафур ака шеърни жим, чуқур-чуқур хўрсиниб эшитдилар-да, кейин, «Ох, Зулфия, бағрим ёнди. Биласанми, шеърга юракдаги хис-туйғуларнинг фақат ўттиз фоизи тушади, қолган етмиш фоизи юракни ўртаётган. Сен бу туйғуларнинг ҳаммасига қандай бардош берайсан-а? Ёниб кетасан-ку, бу аҳволда...» -дедилар. Барибир, ёзмай яшолмасдим. Қани энди мен ҳам баҳорни, ёруғликни, куёшни кўрмасам дердим. Ундай дема, кўй Зулфия, деб юпатардилар аям. Ахир, аяжон, баҳордан, ёруғлик ва куёшдан Ҳамид баҳра олмаптику... Нега мен?..

Зулфия опа ўйчан қолатда гапида давом этди:

—Фузулини кўп ўқирдим. Йўғлаб-йўғлаб ўқирдим. Икки кўзим қизариб, шишиб кетган эди. Хеч нарса билан ишим йўқ эди. Ким келди, ким кетди. Ёйиш-ичиш хаёлимга келмайди. Бир куни дераза ёнида Фузулий газалини овоз чиқариб, йўғлаб ўқийверибман, ўқийверибман. Кўчадан ўтиб бораётган маҳалламиздаги қариялар дераза ёнига тўпланишиб олишипти. Кейин мени

демакдир. Мен шоира Зулфиянинг ёзувчиси Ойбек ҳақидаги «Куёшли қалам» номли ажойиб достонини қайта-қайта ўқийман. Достоннинг бир ерида ёзувчи ва шоиранинг Қашқадарё воҳасига сафари тасвирланади. Тоғ бағрида дўстлар даврасида ўлтирган адиб Зулфияга ва хотини Зарифахонимга равоқ узатиб, «Олинг, даво йўқ тибда» дейди. «Қайси дардга даво?» сўрайди шоира. «Қола-сиз, ўн саккиз ёшли қиз бўлиб» жавоб беради Ойбек. Шунда шоира: «Агар ўн саккизга қайтсам мабодо, шу сарсон дарада қолиб кетардим» дейдию яна шу заҳоти юрак тугёнларига қулоқ тутиб, «Йўқ, устоз, қайтмайман ўн саккиз ёшга, дардим ва бахтимдан кетмайман нари» деб жавоб беради. У баъзи аёллардек қайта яша-риб, ширин ҳаёт кечирибни орзу қилмайди. Хамма айбни майда-чуйда нарсаларга, урф-одатларга йўядиганлардан фарқи ўлароқ садоқатни азиз билиб, оилани эҳтиёт қилиш, уни бевақт нурашдан, гийбатлардан асрашни маъқул, деб билади.

Ха, садоқатли аёл ҳаётининг, эрининг, фарзанднинг қадрига етади, бурчни англайди, эътиқодига содиқ яшайди. Тотувлик, бардамлик, қувноқлик билан турмуш кечиради. Ҳаёт синовларидан аъло ўтади. Қийинчиликка бардош беради. Мен шоира Зулфиянинг ёзувчиси Ойбек ҳақидаги «Куёшли қалам» номли ажойиб достонини бежизга ёдга олганим йўқ. Ха, Зулфияхоним ҳаёси-ибоси ва вафоси билан Садоқат тимсолига айланган фаришта эди.

Санъат МАХМУДОВА.

САДОҚАТ


қойиб беришди. «Кўй, Зулфия, бундай шеърларни кўп ўқима!» дейишди. Кейин эса... «Ҳамид Олимжоннинг китобини нашр этамиз, шеърларини тўплаб, тайёрлаб беринг» деб қолишди. Холида Сулаймонова билан шу ишга киришиб кетдик...

Ҳижронинг қалбимда, сизинг қўлимда, Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.

Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда, Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам,

деб ёзган эди шоира

Мархумлар у ёқда турсин, тирикларга садоқат кўрсата олмаётган баъзи аёллар бор. Эри битта тилла билгазук олиб бермагани учун оиласини ташлаб кетган аёл ҳақида эшитганман. Тугилган кўнмига бриллиант зирак олиб беринг, деб жанжал кўтарган аёлни биламан. Улар — садоқатнинг нималигини билмайдиган, ҳамма айбни майда-чуйда нарсаларга, урф-одатларга йўядиган енгилтак шахслар. Садоқат оилани эҳтиёт қилиш, уни шамоллардан, бевақт нурашидан, гийбатлардан асраш, демакдир. Садоқат аёлликни, оналикни, бурчни чуқур англаш, бардошли, оғир-мулоҳазали бўлиш



ҲИКМАТ

Фарзанд ота - онасини уч нарса билан хурсанд қилиши мумкин: баркамол солиҳ инсон бўлиш; уларнинг ақинлари ва дўстлари билан боғланиб туриш; ота-она учун дуо қилиш, садақа бериш.

Ахборот Санъат

БАХШИ ҚИЗ — ЭНГ ЯХШИ ИЖРОЧИ

«Беш парда» фольклор-этнографик ансамбли 1987 йили Чимбой тумани маданият уйи қошида ташкил этилган эди. Дастлаб беш нафар ҳаваскордан иборат жамоа сифатида иш бошлаган гуруҳ бугун туманининг фахрига айланди. Унинг таркибиде 20 нафар га яқин истеъдодли санъаткор ижод қилади. Мазкур жамоа яқинда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида ўтказилган фольклор-этнографик ансамблларининг республика VI-дастурий танловида иштирок этиб қайтди. У «Овулда тўй» деб номланган композицияси билан учинчи ўринни қўлга киритди. Ансамбл аъзоси - бахши-қиз Гулистон Қаландарова эса танловнинг энг яхши ижроси деб топилди.

Қадимшунослик

«ЗУРАК МОМО» ТОПИЛДИҚЛАРИ

Олтиарик туманидаги «Зурак момо» археологик ёдгорлиги водий деҳқончилик маданиятига оид энг қадимий манзилгоҳ ҳисобланади. Фаргона вилоят ўлкашунослик музейи археологлари бу ерда икки йилдан бери қазиб ишлари олиб бормоқда. Бу вақт оралиғида манзилгоҳдан бир нечта тарихий-маданий ёдгорликлар топилди. Бу йилги археологик тадқиқотлар ҳам ўз самарасини берди. Қадимшунослар «Зурак момо» ёдгорлигидан эрамининг I-II асрларига оид бир нечта сопол хум, йирик сув идишлари, ноёб уй-рўзгор буюмлари, таңга ва тақинчоқлар топилди. Бу ерни фақат қадимий манзилгоҳ сифатида ўрганаётган мутахассислар тарихий аҳамиятга молик бўлган янгиликни кашф қилди. Уларнинг фикрича, қадимда бу ерда катта кўрғон ҳам бўлган. Қазиб ишлари давомида кўрғоннинг шарқий муҳофаа деворлари қолдиғи топилди. «Зурак момо» археологик ёдгорлигидан топилган ноёб буюмлар, осори-атиқалар музейимиз тарих бўлими экспонатларини янада бойитди,- дейди музей директори Баҳодир Ҳошимов. - Ушбу ёдгорлик ўлкамиз халқлари тарихи, маданияти, урф-одатларини ёшларга етказишда ноёб манба бўлиб хизмат қилади. «Зурак момо» археологик ёдгорлигининг ҳали очилмаган қирралари, сир-синаотлари кўп. Уни ўрганиш, тадқиқ қилиш давом этмоқда.

Спорт

КУБОК ФАРҒОНАДА ҚОЛДИ

Фарғонада Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика футбол федерацияси ташаббуси билан «Умид кубоги» учун футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Спортчи ёшларни тарбиялаш, иқтидорлиларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган мусобақада 1985-86 йилларда туғилган ўсмирлардан иборат ўн олти терма жамоа ўзаро куч синашди. Гоят қизиқарли ва муросасиз кечган учрашувларда Фарғона вилояти футболчиларининг қўли баланд келди. Беллашувлар давомида андижонликлар билан дуранг ўйнаган мезонлар Хоразм, Тошкент, Жиззах, Наманган вилоятлари жамоаларини доғда қолдирди ва кубок соҳиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Наманган ва Андижон вилояти футболчиларига nasib этди.

(ЎзА).

Биласизми?

ропада асосан Бодо қурилмаси қўллана бошланган. Техника тараққиёти туфайли ер ости телеграф линияси пайдо бўлди. XIX аср охирига келиб бутун Европада умумий узунлиги 2840 миң километр, АҚШда эса 4 миллион километр узунликдаги ер ости телеграф кабели ётқизилган эди.

Ақбар АЛИЕВ.

НОН ШИФОДИР

Миллар қочиб, тишлар бўшаша бошласа, қаттиқ нонни чайнаш керак.

Фасодли ярага қаттиқ нон билан бирга қўй ёғдан олинган жиззани янчиб қўйилса, фойда қилади.

Сариқ касалига чалинган одам анор шарбатига ботирилган қаттиқ нон ейиши керак.



Ал-Розий ҳам, Ибн Сино ҳам нонни сутга тўғраб еб юрган кишининг ҳазмлаш аъзолари фаолияти яшиланиши ҳамда рангрўйи тиниқ ва чиройли бўлишини кўп маротаба таъкидлаган эдилар.

Тандир нонларнинг ҳаммаси ҳам шифолик хусусиятига эга бўлади, негаки бундай нонлар тандир деворларида аккумуляция бўлган иссиқлик ва чўғдан таралган инфракрасил нурларининг таътида пишади-да.

Хаамири сутга қорилган нон барча касалликлар учун парҳез ўрнига ўтайд, бироқ ортиқча тўйиб емай, оз-оз тамадди қилингани фойдалироқдир.



Хотира уйғонса гўзалдир

МАЙМАНОҚНИНГ БИРИНЧИ МУАЛЛИМИ

Касби туманидаги Ботир Дўстбоев номли ўрта мактабда яқинда умрини халқ маорифи соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшган фидойи инсон, ажойиб устоз Ботир Дўстбоев бюсти ўрнатилди.

— Устоз-муаллим Майманок қишлоғида биринчи ўқитувчилардан, - дейди унинг шогирди Амир Холлов. - Биз дастлабки сабоқни Ботир акадан олганмиз. Яхши кишиларнинг амалга оширган ишлари

рийлар устоз меҳнати билан фахрланишди. Ботир Дўстбоев ёстикдоши Турсунной момо билан 7 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Уларнинг бари элишига камарбаста.

— Отам билан фахрланамиз, - дейди тўнғич ўғли Толмас Дўстбоев. - Бизни ўқитиб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда кўмақдош бўлганлар. Ота-онамиз хотираларини эслаш барча фарзандлар бурчи.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири. Суратда: устозга ўрнатилган бюст.

Волейбол

жамоа таркибини барқарор сақлаб турибди. Қарийб ўн йил мобайнида бирор ўйинчи жамоани шунчаки тарк этиб кетгани йўқ. Самарқандлик волейболчилар халқро турнирларда ҳам ўз имкониятларини синиб кўришмоқда. Масалан, ўтган йили Алматыда жаҳон биринчилигининг саралаш босқичида жамоа мамлакатимиз номидан қатнашди. Бундан ташқари, Жанубий Кореяда ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этиб, эътиборга тушди.

Республикаимизда спортни ривожлантиришга, унинг оммавийлигига эришишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада «Ўзбекистон интернешнэл АЖ» қўшма корхонасида ибратга арзигулик аънаналар бор. Қўшма корхона бош директори Х.Ҳақимов таниқли автопойгачи, республика мусобақасининг совриндори. «Ўзбекистон» АК директори Х. Мухиддинов чим усти хоккэйчиси, боксчи. Бошқалар ҳам уларга эргашган. Шунинг учун ҳам бу корхонанинг спортдаги муваффақиятлари бежиз эмас.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

КУТУБХОНАЧИГА КОМПЬЮТЕР

Зиёкор Наргиза Зокирова бахтини кутубхоначиликдан топганлардан. Ўз ишига садоқат билан ёндошиб, фахрли касбининг эъозлаб келаётган бу меҳри дарё доғим Тошкент молия институтини кутубхонасида етакчи мутахассис бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Наргиза Зокирова ҳамкасблари орасида бой таҳриба тўлаганлиги ҳамда ўз вазифасини аъло даражада адо этиб келаётганлиги билан ҳам ажралиб туради. У ўзида ана шу сифатларини жамоатчилик орасида яна бир бор намойиш этди. Гап шундаки, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган «Энг моҳир кутубхоначи» республика кўрик-танловида муваффақиятли қатнашди. Касбий маҳоратини ёрқин намойиш этган бу зиёкор голиб чикди ҳамда «PENTUM-III» русумли компьютер билан мукофотланди.

Нилуфар МИРАЛИЕВА.

ТЕЛЕГРАФ ТАРИХИДАН

Симли телеграфнинг такомиллашуви турлича кечди. 1855 йилда инглиз ихтирочиси Юз яратган харф босувчи қурилма кенг тарқалиб кетди. Таҳрибали бу телефончи у билан бир дақиқада 40 тагача сўзни узатиши мумкин бўлган. Аммо бу тезлик ундан фойдаланувчиларни қониқтирмади ва хабарни олдиндан қайд этаоладиган махсус қурилма яратишга тўғри келди. Бунга инглиз ихтирочиси Уитсон муваффақ

бўлди. У 1858 йили Морзе алифбосидаги нукта ва чизикларга мос ҳолда телеграф қоғоз тасмасини уриб тешадиган қурилма - перфаторатор яратди.

Яна бир ихтирочи - Стирси 1817 йили икки ёқлама дифференциал шошилинчнома узатишни йўлга қўйди. Бунда хабарлашётган икки томон бир вақтнинг ўзида ҳам хабар узатиб, ҳам қабул қила олиш имкониятига эга бўлган. Битта телеграф линиясида кетма-кет биттадан ортиқ шошилинчнома бериш ёки қабул қилиш муаммосини француз муҳандиси Бодо ҳал эта олди. Ев-

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Рафзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Мирзоқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар булимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириди - 22.00

Маълумимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақлаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.